

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 06.01.2018. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ВАЛИХОНОВА ГУЛНОРАХОН КОМИЛЖОНОВНА

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ УЙҒУРЛАРИДА АНЪАНАВИЙ
ВА ЗАМОНАВИЙ ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР**

07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология

ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Валихонова Гулнорахон Комилжоновна

Фарғона водийси уйғурларида анъанавий ва замонавий этномаданий
жараёнлар.....3

Валихонова Гулнорахон Комилжоновна

Традиционные и современные этнокультурные процессы у уйгуров
Ферганской долины.....25

Valikhonova Gulnorakhon Komiljonovna

Traditional and modern ethnocultural processes in the Uighurs of
the Fergana Valley.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications.....51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 06.01.2018. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ВАЛИХОНОВА ГУЛНОРАХОН КОМИЛЖОНОВНА

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ УЙҒУРЛАРИДА АНЪАНАВИЙ
ВА ЗАМОНАВИЙ ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР**

07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология

ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tar214 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://uzhistory.uz>) ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаев Улуғбек Сайданович
тарих фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Дониёров Алишер Худайбердиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Азимова Нодира Хайитбаевна
тарих фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги тарих фанлари доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи DSc.06.01.2018. Таг.56.01 - рақамли Илмий Кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент ш., Шахрисабз тор кўчаси, 5-уй. ЎзР ФА Тарих институти 2-қават Мажлислар зали). Тел.: (99871) 233-54-70; факс: (+99871) 233-39-91) e:mail:www.uzhistory.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фундаментал кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри Зиёлилар кўчаси 13-уй). Тел: (99871) 262-74-58; факс: (+99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси билан).

А. С. Сагдуллаев,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,
профессор, академик.

М. Х. Пайзиева,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

С. С. Агзамходжаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, т.ф.д.,
профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида кечаётган интеграция жараёнлари этник хусусиятларни сақлаб қолиш ва миллий-этник анъаналарни тадқиқ этишнинг долзарблигини кўрсатмоқда. Миллий муносабатлар барқарорлиги масалалари борасида ЮНЕСКО Бош конференцияси 28-сессиясида «Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси» қабул қилиниб, унда бағрикенглик инсоният учун ҳозирги даврнинг мажбурияти эканлиги таъкидланди.

Жаҳонда глобаллашув жараёнининг жадаллашганлиги ер юзининг турли минтақаларида яшаётган диаспораларга хос локал маданиятларни илмий жиҳатдан ўрганишни долзарб вазифа сифатида қўймоқда. Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг камсонли миллатлар бўйича Олий Комиссарлиги, Европа Таҳлил маркази ва яна кўплаб халқаро илмий тадқиқот марказларида миллатлараро муносабатлар, миллий ва диний қадриятлар, толерантлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда¹. Қолаверса, сўнгги йилларда Буюк Британия, Германия, Канада, Швейцария каби давлатларда мультикультурализм ғоясининг қўллаб-қувватланиши долзарб амалий аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда нафақат титул этнос, балки Республикада яшовчи турли миллат ва элатларга хос хусусиятлар, уларнинг миллий мероси, тарихий қадриятлари ва анъаналарига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”²да, Республика байналмилал маданият марказининг 25 йиллик юбилей тантаналарида мамлакат Президенти томонидан Фанлар академияси институтлари билан ҳамкорликда миллатлараро муносабатларни янада ривожлантириш ва уйғунлаштиришга бағишланган илмий тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш яна бир долзарб вазифа³ эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистоннинг бошқа тарихий-этнографик минтақалари каби Фарғона водийси ҳам ўзининг табиий-географик хусусиятлари, минтақада турли тарихий даврларда кечган этник жараёнлар билан ажралиб туради. Асрлар давомида минтақада этнослараро муносабатлар фаол ривожланиб бориши натижасида водий ўзбек, тожик, қирғиз, қорақалпоқ халқлари билан бирга уйғурлар учун ҳам макон бўлган. Уйғурлар бир неча асрлар давомида маҳаллий ўзбеклар билан бирга қон-қариндошлик алоқаларини ўрнатиб, Фарғона водийсига хос локал маданиятни шаклланишида иштирок этганлар. Шу боис Фарғона водийси уйғурларининг минтақада кечган этномаданий жараёнлардаги иштирокини тарихий-этнологик жиҳатдан ўрганиш муҳим

¹ milli-firka.org/ кнут–воллебек-комиссариат в Узбекистане (мурожаат 2018 йил 7 июль).

² “2017–2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” // <http://strategy.regulation.gov.uz>.

³ Мирзиёев Ш.М. Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик – халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг муҳим омилдир // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017. 25 январь (№ 18).

илмий аҳамият касб этади.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”даги 4947-сонли, 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5046-сонли Фармонлари ва соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш учун муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши» дастурининг устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавзу тарихшунослигини тадқиқотнинг методологик хусусиятидан келиб чиқиб қуйидаги беш гуруҳга бўлиш мумкин: “Уйғур” этноними талқинига бағишланган ишлар; миграция масалалари акс этган адабиётлар; моддий маданиятга бағишланган тадқиқотлар; оилавий турмуш анъаналари; этнолингвистик алоқалар баён этилган адабиётлардан иборат.

1. Дастлабки гуруҳ адабиётларда “уйғур” этнонимига оид маълумотлар акс этган. Бу гуруҳга ўрта асрларда яратилган манбалар⁴, хитойлик⁵ ва русийзабон⁶ олимлар томонидан яратилган асарларни киритиш мумкин.

2. Уйғурларнинг Фарғона водийсига миграцияси сабаблари кўрсатилган адабиётлар. Ушбу гуруҳга таалукли адабиётларда XIX аср ўрталаридан бошлаб Шарқий Туркистонликларнинг Фарғона водийсига кўчиб ўтиши билан боғлиқ жараёнлар баён этилган. Бу даврда Шарқий Туркистонда хизмат вазифаларини бажарган К. Риттер, Н. Куропаткин, Н. Петровский, В. Певцов, Ч. Валихоновлар ўлка халқларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақида маълумотлар баён қилишган. Уйғурлар миграцияга оид ишларнинг аксариятида асосий эътибор сиёсий жараёнларга қаратилган⁷. Кейинчалик Ш. Иноғомов, Я. Винников, Г. Никольская,

⁴ Қаранг: Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк / Нашрга тайёрловчи С. Муталлибов. 1-том. – Тошкент: Фан, 1960. – 499 б.; Абуший Ҳасан Ато. Туркий қавмлар тарихи. – Тошкент: Чўлпон, 1993. – 239 б.; Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи турк. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – 192 б.

⁵ Насрулло Йўлбўлсин, Муҳаббат Қосим. Жунғоудаги туркий тиллар. – Урумчи – Шинжон: Университет нашриёти, 1987. – 312 б.; Эмин Турсин. Торимдан томчи. – Пекин: Миллатлар, 1990. – 583 б.; Муҳаммадамин Абдушукур. Қадимги Марказий Осиё. – Шинжон: Уйғур нашр, 2002. – 340 б.; Лин Ган, Гао Зиху. Қадимги уйғурлар тарихи / Нашрга тайёрловчи Аблат Нуридин, Азиз Юсуф, Мўмин Абдушукур. – Урумчи – Шинжон: Халқ нашр, 1984. – 678 б.

⁶ Ошанин Л. В. Антропологический состав населения Средней Азии и этногенез ее народов. Ч. I. – Ереван, 1957. – 139 с.; Бичурин Н.Я. Средняя Азия и Восточный Туркестан. – Алматы: Гылым, 1997. Ч. I. – 125 с.

⁷ Землеведение. К. Риттер. Восточный или Китайский Туркестан (с примечаниями В.В. Григорьева). – Вып. 2. – СПб., 1873. – 457 с.; Куропаткин А.Н. Очерки Кашгарии. – СПб., 1878.–119 с.; Петровский Н. Отчетъ Императорскаго Россійскаго Консульства в Кашгарь. – СПб., 1885. – 46 с.; Певцов В. М. Путешествия в Кашгарию и Кунь-Лунь. – М.: Госиздат, 1949. – 325 с.; Валиханов Ч. Ч. Материалы и исследования о Кашгарии / Соч. Т. II. – М.: Изд. АН КазССР, 1962. – 262 с.; Зияев Ҳ. Ўрта Осиё ва Сибирь. – Тошкент: Фан, 1962. – 230 б.; Бартольд В.В. Отчет о командировке в Туркестан / Сочинение в восьми томах. Т. VIII. – М., 1966. – С. 58-179; Кузнецов В.А. Экономическая политика цинского правительства в Синцзяне. – М.: Наука, 1973. – 173 с.; Айтбаев А. “Зафар-наме” Мулла Шакира – Важный источник по истории Кучарского восстания

Э. Мамедова, Р. Акбаров, С. Абашин ва Ш. Қўлдошев каби муаллифлар ҳам уйғурлар миграцияси билан боғлиқ жараёнларни тарихий материаллар асосида таҳлил қилганлар⁸. Миграцияга алоқадор маълумотлар уйғур мухожирларидан Мажхурий домла⁹ ва Амонулло Боқирнинг қўлёзма¹⁰ асарларида ҳам қайд этилган.

3. Фарғона водийсида яшовчи уйғурлар моддий маданиятига бағишланган адабиётлар. Ушбу гуруҳга кирувчи адабиётлар қаторига водий аҳолиси турар жойлари қурилишини тадқиқ этган А. Писарчик, И. Захарова, В. Воронина, М. Аҳмедов, У. Абдуллаев, Д. Нозилов, Д. Хоскниг, И. Хўжахоновларнинг илмий тадқиқотларини киритиш мумкин¹¹. Юқорида номлари зикр этилган муаллифлар томонидан турли тарихий даврларда водий халқларига хос анъанавий ва замонавий тураржойлар ўрганиш асносида уйғурлар тураржойлари ҳақида маълумотлар қайд қилинган. Шунингдек, уйғурларга хос миллий кийимлар Р. Рассудова, Л. Чвирь, Р. Каримованинг тадқиқотларида ҳам акс этган¹². Уйғур миллий таомларига оид маълумотлар эса Р. Ша, К. Маҳмудов, И. Жабборов, А. Наринбоев, А. Ҳабибуллонинг ишларида ўз аксини топган¹³.

1864 г. // Из истории Средней Азии и Восточного Туркестана XV-XIX вв. – Ташкент, 1987. – 177 с.; Бейсимбиев Т.К. «Тарихи Шахрухи» – как исторический источник. – Алма-Ата: АН Каз ССР, 1987. – 198 с.

⁸ Инагамов Ш.Ш. Этнический состав населения и этнографическая карта Ферганской долины в границах Узбекской ССР.: Дисс. ... канд. истор. наук. – Ташкент, 1955; Винников Я.Р. Современное расселение народов и этнографических групп в Ферганской долине // Советский этнографический сборник (СЭС). Вып. II. – М., 1959. – С.393-398; Мамедова Э. Из истории взаимоотношений (народов) Туркестанского края и Синьцзяна (со второй половины XIX века – до 1917 г.): Дисс. ... канд. истор. наук. – Ташкент, 1963; Никольская Г.Б. Выходцы из Синьцзяна в Туркестан в конце XIX – начале XX в.: Дисс. ... канд. истор. наук. – Ташкент, 1969; Акбаров Р.Г. Хозяйственные взаимоотношения и социально-экономическая жизнь населения Ферганской долины во второй половине XIX – начале XX века.: Дисс. ... канд. истор. наук. – Ташкент, 2003; Абашин С.Н. Население Ферганской долины (к становлению этнографической номенклатуры в конце XIX – начале XX века) // Ферганская долина: Этничность, Этнические процессы: Этнические конфликты.– М., 2004. – 224 с.; Кулдошев Ш. Т. Политические, экономические и культурные связи между Кокандским ханством и Восточным Туркестаном (XVIII–XIX вв.): Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – Ташкент, 2009.

⁹ Андижон вилояти Адабиёт ва санъат музейи қўлёзмалар фонди. Инв. № 8149.

¹⁰ Ўша манба. Инв. № 8201.

¹¹ Писарчик А.К. Строительные материалы и конструктивные приемы народных мастеров Ферганской долины в XIX – начале XX в. // СЭС. Вып. I. – М.: Изд-во АН СССР, 1954. – 412 с.; Захарова И.В. Материальная культура уйгуров Советского Союза // СЭС. Вып. II. – М., 1959. – С. 215–298.; Воронина В.Л. Жилище народов Средней Азии и климат // Жилище народов Средней Азии и Казахстана. – М, 1982. – С. 238; Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 142 б.; Абдуллаев У.С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 215 б.; Нозилов Д.А. Марказий Осиё меъморчилигида интерьер. – Тошкент: Фан, 2005. – 216 б.; Daniel G. Hoskins. Uyghur-uzbek trader relations in the Fergana Valley // Уйгуроведение в Казахстане: традиция и инновация. Материалы международной конференции. 30 сентябрь 2005 г. – Алматы: Наш мир, 2005. – С. 151–157; Хужахонов И. М. Этнорегиональные особенности традиционного жилища сельского населения Ферганской долины (конец XIX – начало XX в.): Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – Ташкент, 2007.

¹² Рассудова Р.Я. Сравнительная характеристика мужской одежды населения Ферганско-Ташкентского региона (XIX–XX вв.) // Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана. – М.: Наука, 1989. – 144 с.; Чвирь Л.А. Уйгуры Восточного Туркестана и соседние народы в конце XIX – начале XX в. – М.: Наука, 1990. – С. 112–130; Каримова Р.У. Традиционные художественные ремесла и промыслы уйгуров. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005. – 450 с.

¹³ Ша Р. Очерки Верхней Татарии, Яркенда и Кашгара. – СПб., 1872. – 344 с.; Маҳмудов К. Ўзбек тансиқ таомлари. – Тошкент, 1989. – 339 б.; Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 312 б.; Наринбаев А. Уйгуры // Под небом Кыргызстана. – Бишкек, 1995. – С. 119–129; Ҳабибулла А. Уйғур этнографияси. – Урумчи: Шинжон халқ нашриёти, 2000. – 443 б.

4. Уйғурларнинг оилавий турмуш анъаналарини акс этган кейинги гуруҳ адабиётларга В. Наливкин ва М. Наливкина, М. Бекжонова, Н. Кисляков, Л. Ган ва Г. Зиху, Ҳ. Исмоилов, У. Абдуллаев, О. Горшунова, Б. Турсунов, О. Бўриев, А. Аширов, А. Сайдуллаев, З. Расуловларнинг ишларини киритиш мумкин. Уларда Фарғона водийсида яшовчи турли халқларга хос оила-никоҳ масалаларига оид баъзи маълумотлар келтирилган¹⁴. Уйғурларга хос бундай маълумотлар эса А. Ҳабибулло, Э. Турсун ва О. Жалиловлар¹⁵ тадқиқотларида ҳам баён қилинган.

5. Ўзбек-уйғур халқларининг тил ва шевалардаги яқинлиги, этнолингвистик алоқалари А. Боровков, К. Юдахин, В. Решетов, А. Алиев, К. Шониёзов, А. Орхунларнинг ишларида ёритилган¹⁶. Уйғур тили, диалекти ва шеваларини махсус ўрганган уйғуршунос олим Г. Садвақасовнинг тадқиқотлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди¹⁷.

Мавзу тарихшунослик таҳлили шундан далолат берадики, уйғурларнинг Фарғона водийсига миграцияси ва моддий маданиятини айрим жиҳатлари тадқиқ этилган бўлса-да, лекин уларнинг этномаданий хусусиятлари, турмуш тарзидаги трансформациялар ва замонавий жараёнлар махсус диссертацион тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

¹⁴ Наливкин В., Наливкина М. Очерки быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. – Казань: Университет, 1886. – 258 с.; Бикжанова М.А. Семья и положение женщины в колхозах Наманганской области.: Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – Тошкент, 1959; Кисляков Н. А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана.– Л.: Наука, 1969. – 129 с.; Лин Ган, Гао Зиху. Қадимги уйғурлар тарихи. – Шинжон: Халқ, 1984. – 678 б.; Исмоилов Ҳ. Ўзбек тўйлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 189 б.; Бўриев О., Шоймардонов И., Насриддинов Қ. Ўзбек оиласи тарихидан. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 128 б.; Турсунов Б. Р. XX асрда Фарғона водийси аҳолиси оила, оилавий маросимлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари: Тарих. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2002; Аширов А. Анъанавий никоҳ тўйи маросимлари урф-одатларининг генезисига доир баъзи мулоҳазалар (Фарғона водийси ўзбеклари никоҳ тўйлари мисолида) // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 2003. – № 2. – Б. 38–46; Абдуллаев У. С. Фарғона водийсида этносларо жараёнлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 215 б.; Горшунова О. В. Узбекская женщина: социальный статус, семья, религия. – М.: Институт этнологии и археологии РАН, 2006. – 360 с.; Сайдуллаев А. Ўзбекистонлик уйғурлар тарихи ва этнографияси // Педагогик таълим. – Тошкент, 2007. – № 1. – Б. 73–74; Расулова З. Ўзбекларнинг никоҳ тўйигача бўлган маросимлари (қалин бериш одати мисолида) – Тошкент: Фан ва технология, 2009. –140 б.

¹⁵ Ҳабибулла А. Уйғур этнографияси. – Урумчи: Шинжон халқ нашриёти, 2000. – 443 б.; Турсун Э. Наврўзнама. – Шинжон: Ёшлар ва ўсмирлар нашриёти, 2001. – 126 б.; Жалилов О. Офокхўжа манокими. – Андижон: Ҳаёт, 2001. – 65 б.

¹⁶ Боровков А.К. К характеристике узбекских «умлаутных» или «уйгуризованных» говоров // Белек С.Е. Малову. Сборник статей. – Фрунзе, 1946. – 70 с.; Юдахин К.К. Ўзбек ва уйғур тилларидаги яқинлик // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Тошкент, 1958. – № 1. – Б. 35–38; Решетов В.В. Ўзбек тилининг карлук-чигил-уйғур лаҳжаси // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Тошкент, 1960. – № 5. – Б. 34–46; Алиев А. Уйчи шеvasидаги баъзи бир фонетик ҳодисалар // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Тошкент, 1960. – № 6. – Б. 50–53; Шониёзов К. IX–X асрларда Ўрта Осиё минтақаларида этник ва маданий жараён // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. – Тошкент, 1999. – Б. 30–40; Орхун А. Ҳазирги заман уйғур миллитининг шэккланиш жарияни // Уйғуроведение в Казахстане: традиция и новация. – Алматы,, 2006. – С. 18–30.

¹⁷ Садвақасов Г.М. Язык уйгуров Ферганской долины (Лексика, морфология и языковая интерференция). Ч. 2. – Алма-Ата: Наука, 1976. – 282 с.; Ўша муаллиф. К вопросу о взаимодействии уйгурских и узбекских говоров Ферганы // Этнический процесс у национальных групп Средней Азии и Казахстана. – М.: Наука, 1980. – С. 94–104.

Тадқиқот иши Андижон давлат университетининг илмий тадқиқот режаси ва ЎЗР ФА Тарих институтида бажарилган ФА-АЗГ041 “Замонавий Ўзбекистондаги миллий диаспоралар маросимий маданиятида анъаналар ва инновациялар”(2009–2011) ҳамда Ф1-ХТ-01-17138 “Ўзбекистоннинг замонавий қишлоғи: ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва трансформацияларнинг этносоциологик таҳлили” (2012–2014) мавзусидаги амалий тадқиқотлар лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тарихий-этнографик материаллар асосида XIX аср ўрталари ва XX асрда Фарғона водийси уйғурларининг анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлардаги иштирокини этнологик жиҳатдан ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Фарғона водийсида яшовчи уйғурларга бағишланган адабиётларни тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этиш ва мавзунинг назарий-методологик асосларини кўрсатиб бериш;

уйғурларнинг Фарғона водийсига кўчиб келишининг сиёсий, иқтисодий сабабларини ўрганиб, уларнинг водий бўйлаб жойлашув хусусиятлари ҳамда мазкур жараёнларга таъсир қилган омиллар (қон-қариндошлик, тил, хўжалик, маданиятлар ва анъаналар умумийлиги)ни аниқлаштириш;

водий уйғурларининг анъанавий моддий маданиятидаги (уй-жойлар, таомлар ва кийимлар) ўзгаришлар ва маънавий маданиятидаги этник ҳамда умумминтақавий жиҳатларни этнографик материаллар ёрдамида асослаб бериш;

Фарғона водийсида яшаётган уйғурларнинг оилавий-маиший турмушидаги анъанавий жиҳатларни ва бу борадаги трансформацияларни глобаллашув жараёнлари контекстида кўрсатиб бериш;

водий уйғурларининг тил хусусиятларини миллий ўзликни англаш жараёнлари доирасида таҳлил этиш;

тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда илмий хулосалар қилиш, Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар барқарорлигини таъминлаш ҳамда миллий-маданий марказлар фаолиятини янада ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона водийси уйғурларида анъанавийлик ва замонавий этномаданий жараёнларни тадқиқ этиш белгиланди.

Тадқиқотнинг предметини уйғурларнинг Фарғона водийсидаги этномаданий жараёнлардаги иштироки, турмуш тарзи ва маънавий маданияти соҳасидаги ўзгаришлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, тарихий-солиштириш, тавсифий-қиёсий таҳлил, дала тадқиқоти (сухбат, интервью, кузатув) ва этносоциологик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Уйғурларнинг Фарғона водийсига “оммавий миграция”си ва интеграция тўрт босқич (1840–60 йиллардаги ички зиддиятлар; 1864–78

йилларда ўлкадаги сиёсий воқеалар; 1881–1920 йиллардаги йирик кўчишга сиёсий бошқарувнинг ўзгариши; 1955–1962 йилларида эса икки давлат ўртасидаги сиёсий келишув)га бўлинади. Уларнинг Фарғона водийси бўйлаб жойлашувида уйғурларнинг ижтимоий аҳоли, касби-кори, қон-қардошлик хусусиятлари устувор аҳамиятга эга бўлганлиги илмий асосда асослаб берилган;

XX асрда минтақада юз берган сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнлар таъсирида уйғурларнинг этник ўзига хослиги (identity), моддий ва маънавий маданиятидаги трансформациялар юз берганлиги этнографик материаллар асосида исботланган;

Фарғона водийсида фарзанд туғилиши билан боғлиқ – *беш оқшом, чивик*, инициацион характердаги – *йигит оши, етти кеча, ип чой*, диний характердаги – *сўтилиқ чой, туз қуйди* каби маросимларда уйғурларга хос этник хусусиятлар акс эттиши аниқланган;

Фарғона водийси шевалари (Наманган шаҳри, Уйчи тумани)нинг тарихий шаклланишида “умлаут” ҳодисасига асос бўлганлиги ва водий шаҳарлари (Ўш, Андижон, Марғилон) аҳолиси шевасида ҳар икки тилда учрамайдиган янги атамалар пайдо бўлганлиги, уйғур тилининг “Фарғона шеваси” эса мустақил диалект сифатида Марказий Осиё уйғурлари шевасидан қисман фарқланиши этнолингвистик ва этносоциологик материаллар асосида далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Диссертацияни бажариш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида Марказий Осиё минтақаси, шу жумладан, Ўзбекистондаги миллий-этник сиёсатни шакллантиришга илмий асос бўлиши этнографик материаллар асосида кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларидан Республика Миллий маданий марказлари, хусусан, Уйғур миллий маданий маркази фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилувчи амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда этнология фанида тан олинган ёндашув ва усуллар қўлланилганлиги, кўп турдаги тарихий-этнографик адабиётлардан фойдаланилганлиги, бирламчи этнографик манбаларга асосланилгани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Фарғона водийси уйғурлари анъанавий моддий ва маънавий маданиятидаги трансформацион жараёнлар таҳлили минтақага хос маданиятни илмий асосда комплекс равишда ўрганиш ҳамда диаспорология йўналишидаги тадқиқотлар ривожига хизмат қилади.

Тадқиқот хулосаларидан Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш, миллатлараро тотувликни таъминлашга доир таҳлилий маълумотлар тайёрлашда, йўл хариталари ишлаб чиқишда, юртимизда яшаётган этник гуруҳлар ва диаспоралар тарихи, маданиятига оид

илмий-оммабоп нашрлар тайёрлашда ҳамда “Ўзбекистон – умумий уйимиз” мавзуида лойиҳалар ва фестиваллар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мавзу юзасидан ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар асосида:

Фарғона водийси уйғурларига оид этнографик материаллар ва тадқиқотда баён қилинган илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг этник сиёсат ва миллатлараро концепциясини яратишда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг 2 май 2018 йил 01-09-687-сон далолатномаси). Ушбу илмий натижаларнинг жорий этилиши қардош мамлакатлар билан ўзаро алоқаларда халқ дипломатиясидан кенг фойдаланиш ва глобаллашув даврида диаспоралар этномаданиятини кенг тарғиб этишга ёрдам беради;

Ўзбекистонда яшовчи турли халқлар ва диаспоралар маданияти ҳамда уларнинг умумўзбек маданияти билан ўзаро уйғунлашувига оид илмий хулосалардан Республика “Маънавият ва маърифат” марказининг илмий тадқиқот ишларида фойдаланилган (Республика “Маънавият ва маърифат” марказининг 2018 йил 11 майдаги 01/02-617-18-сон далолатномаси). Татбиқ этилган натижалар Ўзбекистонда яшовчи турли халқлар ва диаспораларга хос тарихий қадриятлар, урф-одатлар ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламларига тарғиб қилишга хизмат қилди. Шунингдек, ёшлар ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитининг шаклланишига асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 14 та конференцияларда, жумладан, 4 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, ОАКнинг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 9 та (7 та республика, 2 та хорижий) мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 137 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг ишончилиги, апробацияси, натижаларнинг жорий қилиниши, эълон қилинганлиги ҳамда таркибий тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг **“Уйғурларнинг Фарғона водийсига миграцияси ва жойлашуви”** деб номланган биринчи бобида “уйғур” этноними ва унга тенглаштирилган баъзи атамалар, уйғур этнонимининг этимологик талқини ҳамда Шарқий Туркистондан уйғурларнинг Фарғона водийси худудига кўчиб келиши билан боғлиқ сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнлар тадқиқ қилинган.

Ушбу бобнинг *“Уйғур этноними ва унинг тарихий этимологик талқинлари”* деб номланган биринчи параграфиди уйғур этнонимининг этимологик асоси, унинг қадимги ва замонавий талқинлари ҳамда унга тенглаштирилган айрим атамалар этнолингвистик материаллар асосида тадқиқ қилинган.

Тарихдан маълумки, уйғурлар туркий тилли аҳоли бўлиб, узоқ давом этган этногенетик жараёнлар натижасида Шарқий Туркистонда алоҳида этник жамоа бўлиб шаклланган¹⁸. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”¹⁹ асарида “уйғур” атамасининг этимологияси ҳақида, “Туркий қавмлар тарихи”²⁰ ва “Шажарайи турк”²¹ асарларида эса улар таркибидаги уруғ-қабилалар ҳақида маълумотлар келтирилган. Хитойшунос олим А. Хўжаев хитой ёзма манбаларига асосланган ҳолда қадимда уйғурлар 9 қабиладан иборат бўлиб, кейинчалик улар сони 30 тага кўпайганлигини таъкидлайди. Шунингдек, у уйғур этнонимининг турли талқинлари ҳақида ҳам маълумотлар баён қилган²². Яна бир хитойшунос олим Н. Бичурин тадқиқотларида эса “уйғур” этнонимнинг транскрипциясига доир маълумотлар мавжуд²³. “Уйғурларнинг қисқача тарихи”да қайд қилинишича, “уйғур” сўзи туркийда *уймоқ*, *хуйхэ* эса хитойчада *бирлашмоқ* деган маънони билдиради²⁴. “Уйғурлар тазкираси” номли асарда келтирилишича, “...уйғурлар буку, тунгро, бойирғулар билан бирлашиб туркларга қарши исён кўтариб мустақил бўлиб, ўзларини аввалига *эркин*, сўнгра *уйғур* деб атадилар”²⁵. Мазкур этноним генезисига доир билдирилган барча фикрлар

¹⁸ Ошанин Л. В. Антропологический состав населения Средней Азии и этногенез ее народов. – С. 29–40; Osman Turan. Turk cihan hakimiyeti mefkurasi tarixi. Cild. 1. – Istanbul, 1993. – 104 p.

¹⁹ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк (Нашрга тайёрловчи С. Муталлибов). – Тошкент: Фан, 1963. Т. III. – Б. 422.

²⁰ Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. – Тошкент: Чўлпон, 1995. – Б. 145.

²¹ Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи турк. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б. 32.

²² Хўжаев А. Марказий Осиё халқлари тарихига оид маълумотлар. – Тошкент: Наврўз, 2015. – Б. 260.

²³ Бичурин Н.Я. Средняя Азия и Восточный Туркестан. – Алматы: Гилым, 1997. – С.46.

²⁴ Исхаков Г.М., и др. Краткая история уйгуров. – Алма-Ата: Гылым, 1991. – С.11–12.

²⁵ Хўжаев А., Айтбоев А., Кўлдашев Ш., Джуманиёзова Ф. Марказий Осиё тарихи Хитой манбаларида. – Тошкент, 2016. – Б. 251.

орасида “уйғур” атамасининг *бирлашган ёки ташиқил топган* деган маънолари ҳақиқатга яқин бўлиб, бу атама туркий қабилалар иттифоқига нисбатан қўлланилган.

Уйғурлар яшаган Шарқий Туркистонда “уйғур” этноними билан бирга жой номлари асосида ҳам ўзларини аташ кенг тарқалган²⁶. Шу сабаб ҳам 1921 йилнинг май ойида Тошкентда чақирилган “Жунғор ва Олтишаҳар меҳнатқашларининг 1-қурултойи”да Шарқий Туркистондан келган барча аҳолига нисбатан ягона “уйғур” номи берилган²⁷.

Диссертацияда Фарғона водийсига кўчиб ўтган аҳолининг этник таркиби таҳлил этилиб, бу борада тегишли хулосаларга келинган. Хусусан, *қашқар, тоғлик ва дўлан* субэтнос вакиллари; *охун* – зиёли қатлам, *хўжалар* – ижтимоий тоифа; *анжанлик* – (андижонлик)лар Қашқарда яшаган ўзбеклар ҳисобланади. Шунини қайд этиш лозимки, Фарғона водийси ҳудудида “уйғур” этнонимига тенглаштирилган қашқар, дўлан, охун атамаларини исмларга кўчиб айтиш сақланиб қолган.

Ушбу бобнинг “*Уйғурларнинг Фарғона водийсига миграцияси*” деб номланган иккинчи параграфида Шарқий Туркистон ўлкасини хитой-манжур қўшинлари босиб олганидан сўнг бошланган норозилик ҳаракатлари, унинг натижасида уйғурларнинг Фарғона водийсига миграция жараёни таҳлил этилган. Уларнинг Фарғона водийсига тўхтовсиз кўчиб ўтган даври “*оммавий миграция**” деб изоҳланиб, тўртта йирик босқичга ажратилган:

Биринчи босқич 1840–1860 йиллар бўлиб, бу даврда муҳожирликка Қашқар тахтининг ворислари – хўжалар бошчилигидаги кўзғолонлар сабаб бўлган. Кўзғолончи хўжалар ва уларнинг тарафдор (мурид)лари ҳарбийлар зулм ва тазийқларидан қийналганликлари боис Фарғона томонларга кўчиб ўтган²⁸. Дастлабки оммавий миграцияда тахминан 175 мингга²⁹ яқин уйғурлар водий ҳудудига кўчиб ўтган.

Уйғурларнинг Фарғона водийсига *иккинчи йирик кўчиши* 1864–1878 йилларда содир бўлган. Тарихий адабиётларда қайд қилинишича, бу даврда водийга Шарқий Туркистондан 500 мингдан ортиқ аҳоли гуруҳ-гуруҳ бўлиб кўчиб ўтади³⁰. Уйғурларнинг иккинчи оммавий кўчишига 1864 йилдаги

²⁶ Певцов В.М. Путешествия в Кашгарию и Кунь-Лунь ... – С. 113; Троицкая А.Л. Из отчета о командировке 1936 г. в национальные районы Среднеазиатских республик // Советская этнография (СЭ). – М., 1937. – № 1. – С. 146; Захарова И.В. Материальная культура уйгуров Советского Союза // СЭС. Вып. II. – М.–Л., 1959. Т. 47. – С. 223; Захарова И. В. Материальная культура уйгуров Советского Союза. – С. 216; Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX – начале XX в (по данным топонимии). – Ташкент, 1983. – С. 86.

²⁷ Орхун А. Хазирки заман уйғур миллатининг шәкиллиниши жәрияни – С.18; Захарова И. В. Материальная культура уйгуров Советского Союза. ... – С. 216; Дониёров А.Х., Бўриев О., Аширов А. Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: YANGI NASHR, 2011. – Б. 214–217.

* *Оммавий миграция* – қарийб 100 йилга яқин давр оралигида юз берган кўчиши жараёни, бу даврга йирик воқеалар сабаб бўлиб, тўхтовсиз, минглаб аҳоли кўчиб ўтган.

²⁸ Куропаткин А. Н. Очерки Кашгарии ... – С. 14; Ходжаев А. Цинская империя и Восточный Туркестан в XVIII в. – Ташкент, Фан, 1991. – С. 18; Иброҳим Ниёз. Тарихдин қисқача баёнлар. – Қашқар: Уйғур, 1989. – Б. 276.

²⁹ ЎзР Марказий Давлат архиви, Ф–И–1, 16-рўйхат. 2363-йиғма жилд, 4, 5, 33, 60, 101-в.

³⁰ Хўжаев А. Марказий Осиё тарихига оид маълумотлар... – Б. 277–278; ЎзР МДА, Ф–11–715, 1-рўйхат. 50-йиғма жилд, 197-в; ЎзР МДА, Ф–И–276, 1-рўйхат. 709-йиғма жилд, 1–5 варақ.

Қашқар кўзғолони³¹ ва Ёқуббек тузган мустақил Еттишаҳар уйғур давлати³²нинг йўқ қилиниши сабаб бўлади. Ушбу босқич хусусиятларидан бири сифатида кўчиб ўтаётган аҳоли этник таркиби ҳам таҳлил қилинган.

“Оммавий миграция”нинг *учинчи босқичи* 1880–1920 йилларни камраб олади. Бу даврда икки географик минтақада ҳам вазият кескинлашган бўлиб, Туркистон ўлкасида сиёсий ҳокимият ўзгарган эди. 1881 йил 12 февралда “Петербургда” шартномасининг имзоланиши кўчиб кетаётганлар сонининг ортишига таъсир кўрсатади³³. Юқоридаги давр оралиғида Фарғона водийсига 160 мингдан зиёд уйғурлар кўчиб келгани аниқланди³⁴.

Йирик оқимдаги сўнгги тўртинчи “оммавий миграция” XX асрнинг ўрталарида юз берган бўлиб, бу даврда Шинжон аҳолиси, асосан уйғурларни водий худудига миграцияси хитой ва совет ҳукуматларининг ўзаро келишуви асосида амалга оширилади. Бу жараёнда икки давлат фуқаролигига эга уйғурларнинг катта қисми Тошкент ва Фарғона водийсига кўчиб келган³⁵.

Хуллас, Фарғона водийсида яшаб, этномаданий жараёнларда иштирок этган уйғурлар ушбу даврларда келиб ўрнашган аҳоли авлодларидан ҳисобланади. Мазкур тарихий даврларда юз берган миграция натижасида Ўзбекистонда уйғурларнинг кўп сонли диаспораси шаклланади.

Диссертация биринчи бобининг “*Фарғона водийсида уйғурларнинг жойлашув хусусиятлари*” деб номланган яқунловчи параграфида кўчиб ўтган уйғурларнинг ижтимоий қатламларига тавсиф берилган. Шунингдек, кўчиб келган уйғурларнинг водий бўйлаб жойлашувидаги ўзига хос хусусиятлар, яъни зич ва тарқоқ жойлашиш сабаблари таҳлил этилган. Дастлабки босқичда водийга келган уйғурларнинг катта қисмини Қашқарда камбағаллашган ерсиз деҳқонлар, яна бошқа гуруҳини эса аввал ҳам Фарғона водийсига келган савдогар, хунарманд ва табиблар ташкил этган бўлса, сўнгги кўчишда бадавлат аҳоли ҳам келган. Уйғурларнинг водий худуди бўйлаб жойлашишида ўзига хос хусусиятлар устувор бўлиб, зич ва тарқоқ жойлашиш сабаблари билан ўзаро фарқланиб туради. Кўчиб келиб жойлашаётган аҳоли маҳаллий ҳокимият ва “Уйғур ячейкаси”га мурожаат қилиб, ариза асосида яшаш учун жой ва тегишли ҳужжатлар олган³⁶.

Уйғурлар водийда янгидан ташкил қилинган қишлоқларга асосан ўзлари Шарқий Туркистонда яшаган жой номларини берганлар³⁷. Этнограф

³¹ Усманов К. Восстание в Кашгаре. – М.: МИВ, 1947. – С. 153; Айтбаев А. “Зафар-наме” Мулла Шакира – важный источник по истории Кучарского восстания 1864 г. // Из истории Средней Азии и Восточного Туркестана XV–XIX вв. – Ташкент: Фан, 1987. – С.147.

³² Исиев Д. А. Йеттишар уйғур долити – Б.110; Жалилов О. Мусо Сайрами. – Тошкент, 1968. – Б. 17; Камалов А.К. Миграция населения Кашгарии в Ферганскую долину после падения Кашгарского Эмирата в конце XIX в. // Уйғуроведение в Казахстане: традиция и инновация. Материалы международной конференции. – Алматы, 30 сентября 2005 г. – Алматы: Наш мир, 2005. – С. 89–90.

³³ Осим Боки. Уйғурлар. – Тошкент: Билим жамияти, 1990. – Б. 11.

³⁴ Валиханов Ч. Ч. Собрание сочинений в пяти томах.– Алма-Ата, 1962. – Т. II. – С. 172.; Никольская Г. Б. Выходцы из Синьцзяна в Туркестане ... – С. 103–104; Исоков Б. Р. Фарғона водийси аҳолисининг этник тарихи // Марказий Осиёда анъанавий ва этномаданий жараёнлар. 1-қисм. – Тошкент: ТДШИ, 2005. – Б. 136.

³⁵ Aitbaev A.A. Brief Introduction on Uighurs // Uighur Affairs Survey. September. – 2001. – № 1. – С. 35; Хўжаев А. Марказий Осиё тарихига оид маълумотлар ... – Б. 277–278.

³⁶ Андижон вилоят давлат архиви, 59-фонд, 1-рўйхат, 85-йиғма жилд, 70–71-варақлар.

³⁷ Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы ...– С. 86.

олима И.В.Захарованинг тадқиқотларида Ўзбекистон ҳудудида 40 дан ортиқ қишлоқларда уйғурлар жойлашгани келтирилган³⁸. Бироқ Фарғона водийсида олиб борилган дала этнографик экспедициялар давомида бу ҳудудда уйғурлар яшайдиган қишлоқ ва маҳаллалар сони илгари тадқиқотларда қайд қилинганидан икки баробар кўп эканлиги аниқланди. Уларнинг асосий қисми “уйғур” ёки “қашқар” каби этноиндикатор³⁹ли номлар билан аталган. Уйғурларнинг Фарғона водийсига жойлашуви таҳлил этилганда, Андижон вилоятининг кўплаб туманларида уйғур аҳоли манзиллари учрашини алоҳида таъкидлаш лозим. Қолаверса, Наманган вилояти Поп, Норин туманлари ва Наманган шаҳрида, Фарғона вилоятининг Қўқон, Марғилон шаҳарлари Қува ҳамда Ёзёвон туманларида, шунингдек, Ўш, Жалолобод вилоятларида ҳам уйғурлар кўплаб жойлашган.

Хуллас, уйғурларнинг Фарғона водийсига оммавий равишда кўчиб келиши натижасида водийда янги уйғурлар билан боғлиқ этнотопонимлар пайдо бўлди. Миграция туфайли водийда янги ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берган.

Диссертациянинг “**Анъанавий моддий маданиятдаги этник ва умумминтақавий жиҳатлар**” деб номланган иккинчи бобида уйғурлар моддий маданиятининг ўзига хос жиҳатлари, хусусан, уй-жойлар ва меъморчиликдаги этник хусусиятлар, анъанавий кийимлар ва миллий таомлардаги умумминтақавий жиҳатларнинг шаклланиб бориши ўрганилган.

“*Уй-жойларни тиклашдаги минтақавий ва этник хусусиятлар*” деб номланган қисмда XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Фарғона водийсига уйғурларнинг оммавий кўчиб келиши натижасида янги ташкил топган қишлоқлар ва уй-жойлар этнографик аспектда ўрганилди.

Уйғур аҳоли Фарғона водийсига кўчиб келгандан кейин ўзаро бир-бирларини қўллаб-қувватлаб, биргаликда янги манзилларни барпо этган. Улар дастлаб водийнинг Қорадарё ва Тентаксой оралиғидаги ботқоқ ерларни ўзлаштириб, мавсумий уй-жойларини барпо этишган. *Кана, чайла, ертўла* каби вақтинчалик ва мавсумий уй-жойларда истиқомат қилган уйғурларнинг кейинчалик доимий уй-жойлари, ўтроқ қишлоқлари пайдо бўлди⁴⁰. Иқтисодий қийинчилик сабаб айрим ҳудудларда жойлашган аҳоли вақтинча ертўлаларда яшашга мажбур бўлган ва бу жойлар “уй-ғор” деб аталган⁴¹. XIX асрнинг охирларида кўчиб келган уйғур оқсоқоллари етакчилигида Тентаксой ҳавзасидаги ерларни ўзлаштириб, янги қишлоқ режасига кўра, кўчиб келган оилаларга ишлаш ва яшаш учун ер ажратилган⁴².

Шубҳасиз, Фарғона водийсида уйғур қишлоқларининг пайдо бўлиши икки минтақа меъморий анъаналарини уйғунлаштирган. Хусусан, бу даврда маҳаллий аҳоли орасида уйғурларга хос “қашқарча айвон” оммалашди. Бундай

³⁸ Захарова И. В. Материальная культура уйгуров Советского Союза ... – С. 215.

³⁹ *Этноиндикатор – латинча indicator– аниқлагич, кўрсаткич маъносини ифодалайди.* Бу ҳақда қаранг: Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – Б. 34–95.

⁴⁰ Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы – С. 86.

⁴¹ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Поп тумани Уйғурсой қишлоғи. 2007 йил.

⁴² Дала ёзувлари. Андижон вилояти Пахтаобод тумани Уйғуробод қишлоғи. 2005 йил.

кўринишдаги уйлар водий иқлимига мос бўлиб, қишда ҳам, ёзда ҳам қулайликни таъминлаган⁴³. Албатта, бу услубнинг машҳурлиги сабаби: хона олди томонининг симметрик бирлашуви ва айвон ён томонига супа (танча) қурилишидадир⁴⁴. Кейинчалик “қашқарча айвон” услуби маҳаллий анъаналар билан қоришиб, ҳудудга мос тарзда айвон қисмига ром ўрнатиш урфга айланган⁴⁵. Бундан ташқари “қашқарча мўри-ўчоқ” ўзининг қулайлиги сабабли Фарғона водийсида кенг оммалашган⁴⁶. Водийга кўчиб келгандан сўнг маҳаллий анъаналарни ўзлаштира бошлаган. Жумладан, уйғурлар авваллари ўз уйларида сандалдан фойдаланмаган. Кейинроқ эса, меҳмонхона ва катта хоналарни иситишда сандалдан фойдаланишган⁴⁷. Шунингдек, ўзбеклар таъсирида улар ўз хонадонларини *ичкари* (*ичқилиқ*) ва *ташқи* (*ташқилиқ*) қисмга бўлишни ҳам ўзлаштиришган⁴⁸.

Хуллас, Фарғона водийси уйғурларининг анъанавий турар-жойлари ва у билан боғлиқ урф-одатлари, миллий ва локал кўринишлар замирида водийдаги бошқа халқларга хос бўлган жиҳатлари билан яққол ажралиб туради. Анъанавий уй-жойлар ва унинг интерьерлари эса миллийлик рамзи сифатида сақланиб қолган.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи “*Миллий кийимлар ва тақинчоқлар трансформацияси*” деб номланган. Унда анъанавий миллий кийимларининг доимий ўзгариб, ривожланиб бориши ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқлиги кўрсатиб берилган.

Уйғур миллий кийимларининг муҳим жиҳати – кийим бичимларида намоён бўлади. Бу даврда уйғур эркалари орасида оммалашган кийим “яктак” (йэхтак) ҳисобланган. Фарғона водийсида яшаётган қашқар хўжалари қора тўн кийганлар, бу эса уларнинг жамиятдаги мавқеини ифодалаган⁴⁹.

Диссертацияда уйғур аёлларининг кийимлари тавсиф этилиб, унда ёшига ва ижтимоий ҳолатига қараб мато ва услуб танланганлиги аниқланди. Уйғур аёлларининг ташқи кийимида чопон ва камзул қимматбаҳо *қашқарча товор* матосидан тикилган. Уйғур миллий кийимларини махсус ўрганган тадқиқотчи И. Қосимий ҳам мазкур фикрни тасдиқлайди⁵⁰. XX аср ўрталаридан бошланган анъанавий кийимлардаги трансформациялар асосан аёллар либосларида кузатилади.

Водий аҳолиси орасида дўппи барча ёш ва жинсдагилар учун асосий бош кийими ҳисобланган. Дўппи ва фаслларга мос бошқа бош кийимлар ҳам бор. Уйғурларнинг қишки иссиқ бош кийими *бўрк* анча қадимий ҳисобланади. “Девону луғотит турк” асарида “*бўрк – қалтоқ, бош кийим*”

⁴³ Воронина В. Л. Узбекские народные жилища // СЭ. – М., 1949. – № 2. – С. 46.

⁴⁴ Каримова Р. Традиционные художественные ремесла и промыслы уйгуров – С.143.; Абдуллаев У.С. Отражение межэтнических связей в материальной культуре народов Ферганской долины в конце XIX–XX века // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 1999. – № 4. – С. 64.

⁴⁵ Народы Средней Азии и Казахстана. Ч. I. – М.: Наука, 1962. – С. 282.

⁴⁶ Писарчик А.К. Традиционные способы отопления жилищ оседлого населения Средней Азии в XIX–XX вв. // Жилище народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1982. – С.88.

⁴⁷ Воронина В.Л. Жилище народов Средней Азии и климат ... – С.100.

⁴⁸ Абдуллаев У. С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар ... – Б. 84.

⁴⁹ Рассудова Р.Я. Сравнительная характеристика мужской одежды населения ... – С.146.

⁵⁰ Касимий И. Уйгурский национальный костюм. – Алматы: Наш мир, 1996. – С. 39.

эканлиги қайд этилган⁵¹. Унинг икки – дўпписимон ва телпак кўринишидаги нусхалари бўлади⁵². Аёллар бош кийимлари дўппи, рўмол ҳисобланиб, анъанавий *сусар тумоқлар* секин-аста урфдан чиқади. Водий хотин-қизлари каби уйғур аёллари ҳам паранжи ёпинишга одатланганлар⁵³.

Шарқий Туркистон ва Фарғона водийси ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларда заргарлик буюмларига талаб кучли эди. Аҳоли орасида *қашқарча балдоқ, қашқарча зирак* каби тақинчоқлар машхур бўлиб, водий уста-заргарлари бу нусхадаги тақинчоқларни янги, арзон турларини ясаганлар. Андижон ва Ўш шаҳарлари марказида машхур уйғур уста заргарлари фаолият юритган.

Хулоса сифатида қайд этиш лозимки, уйғурларнинг миллий кийим-бошларида худудий хусусиятлар кўпроқ кузатилиб, турли этнослар таъсирида моддий маданиятнинг ушбу йўналишида трансформация жадал кечган.

Диссертация иккинчи бобининг кейинги параграфи “*Уйғур миллий таомлари: анъаналар ва инновациялар*” деб номланган. Маълумки, уйғурларни дунёга машхур қилган маданият белгиларидан бири бу уларнинг миллий таомларидир. Миллий пазандачилик хусусиятини ифодаловчи иккита асосий омилга эътибор қаратиш муҳим. Бу масаллик тури ва тайёрланиш услубидир. Уйғурларнинг миллий таомномасида ҳамирдан тайёрланадиган овқатларнинг катта ўрин эгаллаши сир эмас. Бироқ, уйғур ошхонасига *манти, лағмон, мампар, ютағза, санғза* каби таомлар дунғонлар орқали кириб келиб оммалашган⁵⁴. *Манти* – асли хитойча “юмалоқ ҳамир”, *лағмон* – дунғонча чўзилган ёки совутилган “узун ҳамир” деган маъноларни англатади⁵⁵. Санғза эса – ҳамирли пишириқ бўлиб, ўзбек таомномасига уйғурлардан кириб келган⁵⁶. Тадқиқотда қизиқарли этнографик маълумотлар, яъни миллий таомларнинг ҳазилнамо таърифлари келтирилган. Масалан, палов – меҳмонларга тайёрланадиган таом бўлса, лағмон – меҳр-муҳаббат, манти – (унинг 20дан ортиқ тури бор, *гўшт, қовоқ, қуйруқ, бўлоқ, жувава, жусай, очиқ, гул, сув, чингиз* ва хоказо.) эркаклар таоми, яна *чучвара* – бахт-синов таоми, угра – ҳордиқ вақтида тайёрланган⁵⁷.

Уйғурлар озиқ-овқат рационалида чой алоҳида ўрин тутган. Унинг тайёрланиши бошқа халқларнинг чой тайёрлаш технологиясидан ажралиб турган⁵⁸. А. Хўжаевнинг берган маълумотларига кўра, VII асрдаёқ Турфонда чой билан меҳмон кутиб олиш одатга кирган⁵⁹. Қадимдан чой шифобахш

⁵¹ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. ... Т. 1. – Б. 333.

⁵² Певцов М.В. Путешествия в Кашгарию и Кунь-Лунь – С. 124; Чвьрь Л.А. Уйгуры Восточного Туркестана ... – С. 135.

⁵³ Захарова И.В. Материальная культура уйгуров Советского Союза ... – С. 276.

⁵⁴ Савуров М. Секреты дунганской кухни. – Ташкент: Меҳнат, 1989. – С. 97.

⁵⁵ Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б. 166.

⁵⁶ Шайхов А. И., и др. Узбекский дастархан. Рецепты, обычаи. – Тошкент, 2003. – С. 156.

⁵⁷ Наринбаев А. Уйгуры // Под небом Кыргызстана – С.121.

⁵⁸ Абашин С.Н. Чай в Средней Азии: история напитка в XVIII–XIX веках // Традиционная пища как выражение этнического самосознания. – М.: Наука, 2001. – С. 212; Маҳмудов К. Чойнома.- Тошкент: Камалак, 1998. – Б.42-44.

⁵⁹ Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносбатлар ва тақдирлар. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2007. – Б. 189.

ичимлик сифатида кадрлаб келинган, шу билан бирга у меҳмондорчилик рамзи ҳам ҳисобланади. Уйғурлар орасида маросим номларининг чой билан аталиши учрайди ва ҳар бир маросим мақсади, моҳияти чой билан ифода этилган. Масалан, *аҳлиқ* (оқлик) *чой*, *маслаҳат чой*, *селиқ* (солик) *чой*, *тотлиқ* (рахмат) *чой*, *ҳодуқ* (ҳордиқ) *чой*, *ҳам* (ғам) *чой*, *анили* (оналар) *чой*, *қорлуқ* (биринчи қор ёққан кун) *чой*⁶⁰ деб номланган маросимлар учрайди. Моддий маданиятнинг анчагина консерватив намунаси сифатида таомларда анъанавийлик ва миллий хусусиятлар яхши сақланса-да, этномаданий алоқалар натижасида бу соҳада ҳам қатор ўзгаришлар ва инновациялар кузатилади.

Хулоса тарзида қайд этиш лозимки, кўчиб келаётган уйғурлар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан яхши аҳволда бўлмаган. Уларнинг водийда мустаҳкам ўрнашиб, яшаб, шу ҳудуднинг ривожланишига ҳисса қўшишларига асосий сабаб маҳаллий аҳолининг доимий қўллаб-қувватлагани эди.

Уйғур аҳоли анъанавий кийим ва безакларида бир қатор ўзгаришлар кузатилади. Миллий таомларни тайёрлаш маданиятини маҳорат билан ўзлаштирган уйғур аҳоли бу ишга тарбия сифатида қарайди. Ҳозирда ҳам водийдаги йирик овқатланиш шаҳобчалари, ресторан ва кафеларда моҳир уйғур ошпазларининг таом тайёрлаши кўп учрайди.

Тадқиқотнинг **“Фарғона водийси уйғурларининг оилавий турмуш анъаналари”** деб номланган учинчи бобида уйғур оиласи, унинг тузилиши, оиладаги ўзаро муносабатлар, анъанавий никоҳ турлари, аралаш никоҳларнинг кўпайиши, қалиннинг оммалашиши таҳлил этилган. Уйғурларнинг маҳаллий миллатлар, асосан ўзбеклар билан турмуш тарзи ва оилавий анъаналарининг ўзаро ўхшаш ва фарқли томонларига эътибор қаратилган.

Ушбу бобнинг *“Оила-никоҳ муносабатларидаги анъаналар”* деб номланган дастлабки параграфида оилавий-маиший турмушнинг ўзига хос ва умумий хусусиятлари оила турлари, оилавий анъаналар таҳлил этилган.

Марказий Осиё халқлари ҳаётида никоҳ муносабатларида муҳим саналган келин учун қалин бериш уйғурлар орасида анъана бўлмаган⁶¹. Дала этнографик тадқиқотларга кўра кўчиб келган аҳоли вакилларида қалин олишда ўзига хос йўл тутилган. Ахборотчиларнинг таъкидлашича, уйғур қизларини келин қилган ўзбек оилалари *“ўз хурматларини сақлаб, қалин берган”*⁶². Уйғурларда ички никоҳнинг ноодатий кўриниши, яъни қашқар хўжаларига мансуб бўлмаган уйғурлар ҳам ички никоҳга амал қилган⁶³. Қашқар хўжалари оила, никоҳ борасида ички тартибларни мустаҳкам сақлаган. Қалин олишни

⁶⁰ Исламова З. Этнограммы в кулинарной лексике уйгурского языка // Исследования по уйгурскому языку. – Алма-Ата: Наука, 1988. – С. 54; Дала ёзувлари. Андижон вилояти Андижон шаҳри. Уйғуробод маҳалла. 2005 йил.

⁶¹ Певцов М. В. Путешествие в Кашгарию и Кунь Лунь... – С. 128.; Кисляков Н. А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. – Л.: Наука, 1969. – С. 76; Губаева С. С. Население Ферганской долины ... – С. 518; Сайдуллаев А. Ўзбекистонда яшовчи уйғурлар тарихи ва этнографияси ... – Б. 13.

⁶² Дала ёзувлари. Андижон вилояти Пахтаобод тумани Юқори маҳалла. 2005 йил.

⁶³ Дала ёзувлари. Андижон вилояти Асака тумани Дўнг маҳалла. 2007 йил.

эса улар оиланинг иктисодий аҳволини тиклаб олишда фойдали билганлар.

Диссертация учинчи бобининг “*Замонавий уйғур оиласи*” деб номланган иккинчи параграфда уйғурларнинг замонавий оилавий-маиший турмушга хос анъаналари, оилавий муносабатлари, одоб-ахлоқ меъёрлари ўрганилган. Бугунги уйғур оиласида қадрият даражасида шаклланган анъаналар ва инновациялар уйғунлашган ҳолда амал қилинади.

XX асрнинг 50 – 60 йилларида 8–10 нафар фарзандли уйғур оиласи кўп учраган. Албатта, юз берган тадрижий ўзгаришлар натижасида серфарзанд оилалар умумий оилаларнинг фақат 2–3%ини ташкил қилиб, асосан кичик оилалар сони кўпайди. Ассимиляциялашув жараёнининг кучайиши натижасида оилавий муносабатларда бир қатор ўзгаришлар юз берди. Бироқ шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, бу жараён инқилобий тарзда эмас, тадрижийлик асосида босқичма босқич юз берган.

